

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ОЛЛАР



ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТУ

РУЗНОМА 1928 ИЛИ 11 ДЕКАБРДАН ЧИКА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚУМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИННИГ БОШ НАШРИ

• 1991 йил 13 июль • шанба •

№ 134 (10.130). Баҳоси 10 тийин.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
ВИЛОЯТ КЕНГАШИ
СЕССИЯСИ
ОЛДИДАН

Депутатлик фаолиятини кучайтирайлик

ХАЛҚ депутатлари вилоят Кенгашининг 11 июль куни бўлиб ўтган йигилишида вилоят Кенгashi олтичи сессиясига тайёр гарлик масалалари муҳокама этилди. Йигилиш иштирокчилари сессия кун тартибига киритилган ўзбекистон ССР Президентининг «Кохозчилар, совхоз ишчилари ва қишлоқ жойларида яшовчи бошқа фуқароларнинг ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантириш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги ва ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Кёлажагимиз — мактабда!» мурожаати асосида вилоят халқ таълимининг моддий-техника базасини яхшилаш юзасидан тадбирлар тўғрисида ги масалаларни муҳокама қилишга қандай тайёр гарлик кўрилаётганлигини атрофлича таҳлил қилилар.

Жойларда аҳволни ўрганиш, депутатлар ва доимий комиссиялар фаолиятини кучайтиришга зътиборни қартиш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек кун тартиbidаги масалалар бўйича музокараларда иштирок этиш истагида бўлган депутатларга қандай ёрдам кўрсатиш тўғрисида гапирилди. Шу кунларда бўлиб ўтагетган шахар ва район Кенгашлари сессиялари халқ депутатлари вилоят Кенгashi сессияси кун тартибиغا киритилган кўпгина масалаларни ҳал этиш йўл-йўриклини белгилаб олишга катта ёрдам беради. Бу масалалар доимо халқ депутатлари дикъат-эътиборида ва назорати остида бўлиши муҳимdir.

Йигилишини халқ депутатлари вилоят Кенгashi раисининг ўринbosari R. K. Tursunov олиб борди.



ТАНДИР ТУЛА ЁПИЛДИ НОН

● ТОШКЕНТ районида ги «ЎзССР 50 йиллиги» жамоа хўжалигига истиқомат қилувчи Шариповлар онласи новвойчилик қиласи. Улар ҳар куни қишлоқ ахлига 500—600 та ион етказиб беришмоқда.

СУРАТЛАРДА: Марьям ва Бахтиёр Шариповлар нон ясашга жуда уста; «Исиқ» нондан олиб қолинг», — дейди Хайрулла Шарипов.

Сураткаш В. ТУРАЕВ.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАНИШ ЖАМҒАРМАСИГА

«Ўзбекистон машни кимё» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасининг режадан ташқари олган фойдаси унинг катта қисмини ўз ходимлари эдтиёжларига сарфлаш имконини берди. Корхона касаба ўюшмаси комитети, меҳнат жамоаси Кенгashi ва маъмурятининг қарорига кўра, завод ишчиларига корхона ошхонасида тушликка сарфланадиган ҳаражатининг иккиси сўмдан уч сўмгача бўлган қисмани тўлаш назарда тутилган. Энди тушликнинг нарихи бирлашма ходимларига жуда ҳам арzon тушмоқда. Қолган ҳамма нарсаларнинг ҳақини корхона тўлайди. Бундан ташқари ҳар бир кишига ойига 80 сўмдан компенсация берилмоқда.

Корхонада ўй-жой муаммоси ҳам унчалик ўтири эмас. Бирлашма шинам ўйлар сотиб олиш учун 1 миллион сўмдан кўпроқ пул ажратди. Кимёгарларнинг 30 га яқин оиласи яки қунларда янги ўйларга кўниб ўтади.

(ЎзТАГ мухими).

ЧИРЧИҚ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Чирчиқ шахар партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Илтари шахар партия комитети ташкилий бўлими мудирийнинг ўринбосари бўлиб ишлаган Н. Р. Акрамов шахар партия комитетининг ижтиёҷи котиби этиб сайланди.

Ўрток А. И. Морозов халқ депутатлари Чирчиқ шахар Кенгashi ижроия комитети раиси килиб тасдиқланishi мунносабати билан у шахар партия комитетининг ижтиёҷи котиби вазифасидан озод килинди.

СССР Олий Кенгашининг қарори

1991 йилда ўрим-ийғим ва бошқа
қишлоқ хўжалик ишларига
ходимлар, талабалар ва ўқувчиларни
жаль қилиш, шунингдек транспорт
воситаларини юборишга доир
қўшимча чораалар тўғрисида

СССР Олий Кенгashi таъкидлайди, республикаларнинг ҳукуматлари, маҳаллий идоралар 1991 йилда қишлоқда ёрдам бериш билан боғлиқ масалаларнинг бутун маҳмумини ҳал қилиш юзасидан кўраётган чора-тадбирлари етарли дара-

жада самарали эмас. Ходимлар, талабалар ва ўқувчиларнинг ўрим-ийғимда ва бошқа қишлоқ хўжалик ишларидаги иштирок этиши, шунингдек бу ишларга транспорт воситаларини юбориш тўғрисида қишлоқ хўжалик, саноат, транспорт ва

ўзга корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда ўқув юртлари ўртасида шартнома тузиши ишлари чўзилиб кетмоқда. СССР Олий Кенгашига келётган мурожаатлар ва хатлар шундан далолат берадики, бир қанча ҳолларда дедқончилик саноат комплекси корхоналарин олдига бажариб бўлмайдиган шартлар қўйилмоқда, юқоридаги каби шартномаларни тузишини иқтисодий жиҳатдан зарарли, кўпинча мумкин бўлмайдиган ҳолга солиб қўювчи тазиик ўтказилмоқда.

Ҳосилни ўз вақтида сифатли ўриб-ийғиб олиши, унинг нобуд бўлишини камайтириш фоят муҳимлигиги ни ҳисобга олиб, СССР Олий Кенгashi қарор қиласи. СССР Вазирлар маҳкамасига, республикаларнинг Олий Кенгашлари ва ҳукуматларига ҳосилни ўриб-ийғиб олишида ва бошқа қишлоқ хўжалик ишларида ишчилар, хизматчилар ва ўқувчилар иштирок этишини, шунингдек бу ишларга транспорт воситаларини юборишни рагбатлантиручи самарали компенсация воси-

таларини қисқа муддатда ишлаб чиқиш ва жорий этиш тавсия қилинсин. Бунда СССР Молия вазирлиги 1991 йилда ССР Иттилоғи ихтиёридаги корхоналар ва ташкилотлар учун белгилаган ҳаражатларни қоплаш тартиби ва шартлари асос қилинин.

СССР Олий Кенгашининг
расми

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль,
1991 йил 6 июль.



СУРАТДА: Саҳоватин инсон Н. П. Шадринга салор-
ликлар түн киңазашмокда. Ф. АБДУРАСУЛОВ.

Лекин гап қуруқлигича қолмоқда...

Николай Павлович Шадрин ўз ишининг устаси бўлиши билан бирга саҳоватли, савобтабо инсон ҳамдир. Давр, шароит тақозосига бефарқ қарай олмайди. Унинг айрим меҳр-муруватлари ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз деб билди.

Ҳозирги муроаккаш шароитда партияга мадад зарур. Чунки у ўзи бошлаган қайта қуриши охирига етказили керак, деб ҳисоблайди Н. П. Шадрин. Май ойда юз берган табии оғаттуфайли жабр, кўрган Ангрендаги Жигаристон ахлига меҳр-муруват тартифасида ўз жамғармасидан 25 сўм, Бухорода табии оғаттуфайли зарар кўрганларга 50 сўм пул ўтказди.

Бундан ташкари у ҳар иили пахта далаларида меҳнат қилиб келаётган пахтакорларга ҳам баҳоли қудрат ўзининг совғаларини тақдим этиб келмоқда. У таҳририятимизга мурожаат қилиб, илғор пахтакорлардан ўн кишигини исми-шарифини, мансизлоғини айтишилизни ва ўз шахсий жамғармасидан «Тошкент ҳақиқати» рӯзномасига обуна қилиб беришини айтди... Бу кишигининг оддий халқдарди билан яшаттанилигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Салор кўргонида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийлари миллий байрам ва маросимларни биргаликда

Ҳаммаси ўша «хат»дан бошланди. Бор ҳақиқатни ёзаман, деб бошимиз балога қолган эди.

70-йиллар. Кунларнинг бирида Москвага, Марказийдаги хат йўлладим. Унда Марказдан ҳамма жойга ҳам бир хил муносабатда бўлинмаётганлиги, бизда турмуш даражасининг ниҳоятда ноҷор аҳволга тушиб бораётганлиги, айниқса, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт тарзи оғирлаши кетаётганлиги, дехқонларнинг меҳнати эса қадрларнамётганлиги ҳақида очиқ ёзган эдим.

Буни қаранг, жавоб ғалати бўлди. Уйимизга «макус» хизмат ходимлари «ташир» буюришиб, тинтуб қилишиди. Сўроқка тутшишиб, «камонда чиритиб юборамизи» деб дўй-пўписа қилинди. Хонадонимиздан ҳаловат йўқолди. Албатта, буни эслаш оғир. Харқалай ҳаммаси «силлицина» ўтиб кетди. Лекин юрагимда учмас дое қолди...

Шундай оғир пайтда дўсту-биродарларим, кўргонимиз аҳли мўманинлари кўнглимини кўтаришиди. Даёд ва тетик бўлишини, ўз иродам олдида тиз чўқмасликни, тақдиримга эрк бермасликни тишиди. Қўлларидан қелган ёрдамни аямадилар.

— Нима бўлганди ўшандада...

— Тўёри, очиқ айтиш вақти келди. Халқ бўлсин ҳақиқатни. Очиги буни душманимга ҳам раво кўрмасдим. ...Ушанда бу «чиркин бало»дан қўтулиб қолишининг бирдан-бир йўли бор. У ҳам бўлса ақлан заниф («псих») деган «тамға»ни олиш. Ба касалхонада ётиб чиқиш эди. Бунга хеч қаҷон рози бўлмасдим. Халқимни, дўсту-биродарларимни, чирқираб турган тўрт фарзандимни ва аламдан чўғедек қизариб, бўзлаб турган турмуш ўртоғимнинг тақдирини ўйладим. Агар шундай қилмасам оила аъзоларимнинг бир умр ҳаётда қийналиб яшашини билардим. Тарихда эса бунга ўхшаш воқеалар тафсилоти тўлиб-тошиб ётибди. Рози бўлдим. «Псих» деган «тамға» остида касалхонада «даволаниб» чиқдим. Лекин вақти келиб бу «дор»ни халқим олдида ювиши кўнглимгамга тушиб қўйган эдим.

Юқорида келтирилган воқеа тафсилоти Оржоникидзе районидаги Салор кўргонида истиқомат қилаётган оддий радиокиномеханик, халқининг дарди билан яшаттган саҳоватли, ҳақиқаттўй инсон — ишқинчи гуруҳ меҳнат ногирони Николай Павлович Шадринини.

Ҳа, Шадриннинг ҳаёт йўли ранг-баранг. У ҳаётнинг энг оғир дамлариди ҳам тушкунликка тушмади. Севимли касби радио ва телевизор тузатиш билан ўзини овутди. Келажакка умид билан боқди. Халқ хизматида бўлди. Николай Павлович 30 йилдан бўён ўзбек диёрида

ва бепул хизмат қиласи. Қишлоқ меҳнаткашлари, кам таъминотли оиласалар учун хизмат ҳақини 50 фойз миқдорида олади. Тузаттан радио, телевизор, магнитофонларига эса бир йил муддатта кафолат қорози ҳам беради. «... Мен биринчи гуруҳ ногирониман, — деб ёзди

ватли уйдаги хонадонда истиқомат қиласканлар. Хонадонга кираверишида ўндан ёзувга дуч кедасиз: «Хуш келибсиз, ҳурматли фахрийлар!». Унинг бизга пешвоз чиқишидан, оила аъзоларига қилган хушмуомалалигидан, келиб-кетувчиларга кўрсатган илтифотидан лол бўлдик.

У билан сұхбатимиз тез-тез бўлиниб турди. Нега дейсизми? Чунки уни ёшқари, барча тез-тез йўқлаб туришар экан. Ана, қўнғироқ яна жиринглади. Эшакни унинг турмуш ўртоғи Мензифа Салиховна очди. Бу сафаргиси болалар эди. Болаларнинг овозини эшитган Николай Павлович ўрнидан салчаб турди ва уларга пешвоз чиқди. Уларни эркалаб, сўйди. Ичкарига таклиф қиласди...

Болалариз яшай олмайман, — дейди у. — Булар пионер лагеридан. Фильм томоша қилишгани киришибди.

Дарвоқе, Шадринлар оиласи кўргонда кинолекторий ташкил қилиш ташаббуси билан чиқишиб, уни тезда жорий этишибди. Ана шу кинолекторийда туртбеш мартдан аҳолига белул қизиқарли фильмлар намоиш қилинади. Киноленталарни эса ўз жамғармалари ҳисобидан сотиб олади. Бундан айниқса, кўргон худудидаги 5-, «Коммунист» жамоа хўжалигига жойлашган Зомалтаб ўқувчилари, ҳамда 9-ва 93-болалар боғчалари тарбияланувчилари беҳад хурсанд.

Бир неча йилдирки, Николай амаки, радио-кино тўтарагига ҳам раҳбарлик қилиб келади, — дейди Салор маданият уйи директори Икормон Бафоев. — Болаларга бу соҳанинг қунт билан ўргатмоқда.

Николай Павлович ўз ҳис-тўйгулари билан ҳам ўртоқлашди.

Менинг бу булоқ заминдан, улуғ юртдан ва заҳматкаш ўзбек халқидан ҳарзим катта, — дейди Н. П. Шадрин. — Улар билан тирикман. Уларнинг дарди билан яшайман. Лекин кейинги йилларда бу тупроғи олтин заминга, булоқ халқ шаънига марказий матбуотларда бўлмагур гаплар айтилди. Ҳана, айтинг-чи, етмиш йил давомида Шарқ халқлари кўйилмадими? Булоқ ўзбек халқининг қадирларни топтилиб, етиштирган ширин-шакар меваси олтин, кумуш толалари, барча-барчаси тортиб олинмадими? Охир оқибат нима бўлди? Бир вағтлар маданияти юксак, курра заминга минглаб дошишмандлари, доною даҳоларни етказиб берган шундай меҳнаткаш ҳалқининг бошига не-не маломатларни ёғдирмадилар! Лекин бу халқда ватанпарварлик, инсонпарварлик, одамийлик туйгулари ва меҳр-оқибат түйжассам ва тўлиб-тошиб.

Минг шукрли, қайта қуриш, демократия туфайли бу заминга ҳам ёруғ кунлар келди. Жумхурят Президентига катта раҳмат. Оддий халқининг келажагини ўйлаб кўпласбад ҳайрли ишларни қиласди...

Николай амаки ҳақ гапни айтди.

Чинакам байналмилалчи, саҳоватли, ўзгаларнинг гамини чекадиган ажойиб инсонлар жуда кўп. Улар доймо мусибатда ҳамдард, кулфатда кўмакдош. Яхши-ёмон кунларда елкадошлар. Асл дўстлик, биродарлик деб шунни айтадилар!

Х. ШАФОАТОВ.

• Қизиқарли кишилар билан учрашув

НИКОЛАЙ АМАКИ ҲАҚ ГАПНИ АЙТИ

яшаб меҳнат қилиб келмоқда. Ана шу давлат мобайнинда ўзбек миллий урф-одатларини ўрганиди. Тўю-маърака, байран ва тадбирларни ўтказишда бошқаш бўлди. Чунки у юрагидага қолган «дорғи» халиқа холис хизмат қилиши билан гина ювиши биларди. Шунинг учун у ўз тақдирини Ўзбекистон билан, унинг меҳнатсевар, одил ва оқил, меҳмондуст ҳалиқи билан боғлари. Кўп йиллар давомида кўчума кино қўйиш аппаратида қишлоқларда, жамоа ва давлат ҳўжаликлари ферма ва далаларида турли фильмлар намойиш этди. Уззу кун далада бўлиб, оғир меҳнатга кўнишкан деҳқонларнинг ҳеч бўлмаганди бирлаҳза мадданий ҳордиқ чиқишиларига ёрдам берди. Хизматига ҳақ ҳам олмади.

Лекин у ўз уйидаги устахонанинг торлигидан, эҳтиёт қисмларнинг етишмаслигидан жуда қийналар экан. Мен истардимки, шундай ажойиб инсонга ёрдам берилса. Уз уйи олдида устахона қуриб бериллиб, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаб турилса, халқ учун фойдаларидан...

Ҳа, Фозибек ака ҳақ. Ногирон бўла туриб, оддий халиқа беминнат хизмат қиласкан, айниқса, бозор муносабатлари шаронитида одамларга фойдаси тегаётдан бир устата наҳотки ёрдам бериси мумкин эмас! Бу ҳақида бир неча бор айтилди, ёзилди.

Институт кўргончасида яшовчи Фозибек Каимов, — кўзим кўрмайди, қулоғим яхши эшитмайди. Шу туфайли асосий овунчориги кўл овозниги бўлиб қолган. Ундан теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисалар ва янгилниклардан хабардор бўлиб турман. Кейинги пайтларда овознигорим тез-тез бузиладиган бўлиб қолди. Бир неча устахоналарга олиб бордим. У мени жуда яхши кутиб олди. Кўнглимини бироз бўлса-да буштабиб оладилар. Айниқса, фахрийларнинг миллият турли эмасми, у ёки бу миллат урф-одатларини қўллаб, кўнгилчарлик қилишади. Ўзбекча раҳсга тушиб, рус лапарини тинглашиди. Қозоқча айтишув қилиб, украинча ўйинга тушадилар.

Шадринлар оиласи бу йил Галаба байрами арафасида янга бир хайрли ишга кўлурди. Ўзларининг шахсий жамғармаларида 32 та радиоприёмнишикни уруш ва меҳнат фахрийларига байналмилалчи жангчиларга совфа қиласди.

— Албатта, бу каби маросим ва тадбирларни уюштиришида менга дўстларим, маҳалла қўмитасининг раиси М. Бердибоев, кўргон кенгашини раиси Т. Үрмонов, Салор фахрийлар кенгашини раиси М. Отакаевлар яқиндан ёрдам бермоқда, — дейди Н. П. Шадрин.

Яқинда Шадринлар хонадонида бўлдик. Улар кўп қа-



КҮРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

Душанба *

15 ИЮЛЬ

● УзТВ I

- 18.00 Янгиликлар.
- 18.10 «Бим, Бам, Бом ва Бўри». Мультфильм.
- 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Дўстлик ришталари».
- 19.10 «Бутун умр давомида». Хужжатли фильм («Ўзбек-телефильм»).
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.50 «Ўзбекистон» телевизион киножурнали.

- 20.00 «Суянчим—шөърият». Илҳом Ҳафизов.
 - 20.30 Москва. «Время».
 - 21.10 Тижорат хабарлари.
 - 21.20 «Рақсларим — орзуларим». Дилбар Юнусова.
 - 22.00 «Ахборот».
 - 22.25 «Хаёт қувончлари ва ташвишлари».
 - 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
- УзТВ II
- 18.05 «Ассалому алайкум» (так-рор).
 - 19.05 «Акс-садо». «Спринг» кўрсатувига илова.
 - 19.35 «Суҳбатга чорлаймиз».

- АШХОБОД КЎРСАТАДИ:
- 20.30 Москва. «Время».
 - 21.10 «Туркманистан».
 - 21.20 «Дўстлик чегара билмайди». Кўрсатув Японияда Туркманистан маданияти кунларига бағишиланади.
 - 22.50 «Революция ваколати билан». Телевизион бадий фильм. 1-серия (рус тилида). ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҦҚАТИГА!
 - Профилактика муносабати билан душанба, 15 юни куни МТ I кўрсатувлари соат 18.00дан, МТ II кўрсатувлари эса соат 20.15дан олиб кўрсатилади.
- МТ I
- 18.00 TCH.

- 18.15 «Мулоқот». Иқтисодий шарҳ.
- 18.30 «Москва — Вашингтон» телекўприги.
- 19.35 «Николас Никльби». Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия (Буюк Британия телевидениеси).
- 20.30 «Время».
- 21.10 «Кинопанорама». XVII Москва ҳалқаро кинофестивалида.
- 21.25 Футбол шарҳи.
- 21.55 М. Булгаков ҳақида хотирадар.
- 23.00 Кўп серияли телевизион ил-

- мий-оммабоп фильм премьера-си (ГФР—Швейцария). 5-серия. 23.30 TCH. Ҳалқаро воқеаларга бағишиланган сон.
- 23.50 М. Матусовский хотирасига. 00.50 «Лўли ҳикоялари». Бадий-хужжатли фильм («Экран»).
- 01.40 «Николас Никльби». Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия.
- МТ II
- 20.15 Ҳайрли тун, кичкинтоялар! 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан). 21.10 Коллаж.
- «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
- 21.15 «Акс-садо». «Спринг» кўрсатувига илова. 21.45 «Уч плюс икки». Бадий фильм.
 - 23.15 «Телевизион мусиқий абонемент». 00.15 Иттифоқдош жумхуриялар кинопублицистикаси. «Қарзга олинган портрет». Телевизион ҳужжатли фильм (Минск).

Сешанба *

16 ИЮЛЬ

● УзТВ I

- 8.00 «Ахборот».
- 8.25 «Соғлом бўйай десангиз».
- 8.35 «Қандай бўлмасин». Бадий фильм (Ялта киностудияси).
- 10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».
- * * *
- 18.00 Янгиликлар.
- 18.10 «Ўрмон эртаклари». Мультфильм.
- 18.25 «Абитуриент-91».
- 19.00 «Элга хизмат: талаб ва таклиф».
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.50 «Ўғил, набира ва эвара». Телевизион («Ўзбектелефильм»).
- 20.00 «Илғор тажриба мактаби».
- 20.30 Москва. «Время».
- 21.10 Гулбахор Эрқуловга кўйлади.
- 22.00 «Ахборот».
- 22.25 «Нокулай одам». Бадий фильм («Мосфильм»).

- 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
- УзТВ II
- 18.05 Болалар учун фильмлар. «Мишка—тепепат», «Қарғавой».
 - 19.00 «Лаҳза». Хабарлар.
 - 19.10 «Шаҳар юмушлари».
 - 19.30 «Зиёкор».
 - 20.10 Кичик концерт.
- АШХОБОД КЎРСАТАДИ:
- 20.30 Москва. «Время».
 - 21.10 «Туркманистан».
 - 21.30 «Элемгошар». Тижорат-дам олиш кўрсатуви.
 - 22.00 Ашҳобод шаҳар дизайннерлар маркази доторчилар ансамбли ижро этди.
 - 22.30 «Революция ваколати билан». Телевизион бадий фильм. 2-серия (рус тилида).
- МТ I
- 6.00 «Тонг».
 - 8.30 «Николас Никльби». Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар.
 - 10.15 «Бир куни кузги сураткаш». Мультфильм.
 - 10.30 Болалар соати (немис тилидарси билан).

- 11.30 TCH.
- 11.45 М. Булгаков ҳақида хотирадар.
- 12.45 Долзарб репортаж.
- * * *
- 13.45 «Телемикст».
- 14.30 TCH.
- 14.45 «Дунёнинг қувончлари». Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 6-серия.
- 15.50 «Қизиқувчилар олами».
- 16.05 «Меросхўрсиз». Телевизион ҳужжатли фильм.
- 16.45 Чемпионлар билан биргаликда.
- 17.00 «Болалар мусиқий клуби».
- 17.45 «Менинг филчам бўй». Мультфильм.
- 18.00 TCH.
- 18.15 «Сиз яратган боғ».
- 18.45 «Бозор қонунларига биноан». «КамАЗ» уфқлари».
- 19.15 Ю. Мазурок кўйлади.
- 19.35 «Николас Никльби». Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия.
- 20.30 «Время».
- 21.10 Долзарб репортаж.

- 21.25 Е. Образцова ижросида рус романлари.
 - 22.25 «Мусиқий башорат».
 - 23.15 Москва ҳалқаро воқеаларга бағишиланган сон.
 - 23.35 «Орбитада ва ундан кейин». Ҳужжатли фильмлар премьераси. 1 ва 2-фильмлар. «Фазогирларни фазога тайёрлаш ҳақида (Мудофаа вазирлигининг киностудияси).
 - 00.30 «Николас Никльби». Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия.
- МТ II
- 8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.
 - 8.20 «Актёрлик санъати». Н. Подгорний.
 - 9.25 «Муҳофаза ёрлиги». 9.55 Ритмик гимнастика.
 - 10.25 «Балиқ овлаш мавсуми». Телевизион бадий фильм. 1-серия («Мосфильм»).
 - * * *
 - 13.30 Болалар учун фильм. «Бизнинг Чукоккала» («Экран»).
 - 14.25 Б. Лавренев ижоди саҳифалари.
 - 15.05 «Мен қўшиқ кўйлашни яхши кўраман». Муса Маликов.

- ков иштирокида мусиқий кўрсатув. Қозондан кўрсатилади.
- * * *
- 18.15 «Тип лақаби чумоли». Мультфильм. 18.30 «Россия тароналари» телерадио танловининг соириндори С. Горшунов кўйлади. 18.40 «Мен бу кор билан коплаган дашларни кўрляман». Сталинград жанг тарихининг кам ўрганилган саҳифалари ҳақида. 19.30 «Чегем». Телефильм. 19.45 Ҳайрли тун кичкинтоялар! 20.00 Р. Штраус. «Метаморфозалар». Этюд. 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан). 21.10 Давлат телерадиоси Катта симфоник оркестрининг концерти. Дирижёр — В. Федосеев.
- «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
- 22.00 «Ўша заҳотиёқ». Спортчи ўт ўчирувчилар мусобақасида.
 - 22.30 «Мусиқий мозаика».

Чоршанба *

17 ИЮЛЬ

● УзТВ I

- 8.00 «Ахборот».
- 8.25 «Соғлом бўйай десангиз».
- 8.35 Такрорий фильмлар экрани. «Азлита, эркакларга сўйқалма». Бадий фильм («Мосфильм»).
- * * *
- 10.00 «Ёшлик» студияси саволларнингизга жавоб беради.
- 10.30 «Адолат». Ҳукуқий-публицистик видеоканал.
- 18.00 Янгиликлар.
- 18.10 «Капитошка». Мультфильм.
- 18.20 Болалар учун. «Қувноқлар даврасиди».
- 18.50 «Абитуриент-91».
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.50 «Қўшиқ рақсга улансан». Мусиқий кўрсатув.
- 20.25 «Спортлото».
- 20.30 Москва. «Время».
- 21.10 «Асаблар ва ғазаблар». Каталар учун мультфильм.

- 21.20 Телевизион новеллалар театри. Тавғиқ ал Ҳаким. «Изҳор».
 - 22.00 «Ахборот».
 - 22.25 «Кино... Кино... Кино...».
 - 23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
- УзТВ II
- 18.05 «Жасур чигиртка», «Боғбон хўтиқча». Мультфильмлар.
 - 18.30 «Навоийхонлик» (рус тилида).
 - 19.00 «Пульс». Хабарлар.
 - 19.10 «Даврон ва дўстлари». Бадий фильм («Ўзбекфильм»).
- АШХОБОД КЎРСАТАДИ:
- 20.30 Москва. «Время».
 - 21.10 «Туркманистан».
 - 21.30 Бахши Тоғондурди Мамедов кўйлади.
 - 22.05 «Революция ваколати билан». Телевизион бадий фильм. 3-серия (рус тилида).
- МТ I
- 6.00 «Тонг».
 - 8.30 «Николас Никльби». Олти серияли телевизион бадий

- фильм премьераси. 3-серия.
- 9.25 «Болалар мусиқий клуби».
- 10.10 Чемпионлар билан биргаликда.
- 10.25 «Ойдаралик дарвеш». Телевизион ҳужжатли фильм.
- 10.35 «Мастера России» оммавий кўйлар рус оркестрининг концерти.
- 11.20 «Совға». Мультфильм.
- 11.30 TCH.
- 14.45 «Қаердадир уруш борарди». Телевизион бадий фильм. 1-серия (А. Довженко номли киностудия).
- 15.55 «Қизиқувчилар олами».
- 16.10 «Матч реванши». Мультфильм.
- 16.30 «Жосус». Ҳужжатли фильм премьераси («Қозоқфильм»).
- 16.50 Болалар учун фильм. «Камалакдан баландда». 1-серия

- (Одесса киностудияси).
- 18.00 TCH.
 - 18.15 «Планета». Ҳалқаро программа.
 - 19.00 Ҳаракат ҳафғозлиги учун.
 - 19.35 «Николас Никльби». Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия.
 - 20.30 «Время».
 - 21.10 Юзма-юз сұхбат.
 - 22.25 Актёрлар биржаси-91.
 - 23.30 Москва ҳалқаро воқеаларга бағишиланган сон.
 - 23.50 «Беш плюс».
- МТ II
- 8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.
 - 8.15 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яшироқ бажар». 9.15 «Гидиракли эртак». Мультфильм. 9.30 «Мансудэ» ансамблининг чиқиши (КХДР). 10.05 «Балиқ овлаш мавсуми». Телевизион бадий фильм. 2-серия.

2. Серия. 11.00 Мультфильмлар: «Саккизоёклар», «Дўстлик светофор», «Ох ва Ах».
- 13.30 Болалар учун фильм. «Эртанги кун жадвали» («Экран»). 14.55 «Ялта-91». Эстра, қўшиқлари ёш ижрочилари телетанлови. Саралаш тури. 16.05 «Фантазия». Телевизион ҳужжатли фильм (Ленинград).
- * * *
- 18.45 «Ўз пулимга эга бўлмоқчиман». Балоғатга етмаган ёшларни ишга жойлаштириш ҳақида. 19.30 «Хоҳловка». Телефильм. 19.45 Ҳайрли тун, кичкинтоялар! 20.00 СССР ҳалқларининг X ёзи спартакиадаси. Городки спорти. Северодонецкдан кўрсатилади. 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан). 21.10 Коллаж. 21.15 «Иллюзиян». «Сўнгги табор». Бадий фильм («Межраб-помфильм», 1935 й.)

Пайшанба *

18 ИЮЛЬ

● УзТВ I

- 8.00 «Ахборот».
- 8.25 «Соғлом бўйай десангиз».
- 8.35 «Иккинчи бахор». Бадий фильм («Ленфильм»).
- 10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишина».
- * * *
- 18.00 Янгиликлар.
- 18.10 «Ақдаҳо ва қўёш». Мультфильм.
- 18.25 «Алифбо сабоқлари». II босқич.
- 19.00 «Фармон ва ижро».
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.50 «Бевосита мулоқот». Узбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги ходимлари билан учрашув.
- 20.30 Москва. «Время».
- 21.10 «Истевод». Адабий-мусиқий кўрсатув.
- 22.00 «Ахборот».

- 22.25 «Мерос». Мақом тарихидан. 2-кўрсатув.
 - 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
- УзТВ II
- 18.05 «Эркин ижодкор». Телевизион.
 - 18.30 «Кинокўзгуда — ҳаёт». Кинокўрсатув.
 - 19.30 «бу оқшомда» кўрсатувлари саҳифаларидан.
- ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
- 20.30 Москва. «Время».
 - 21.10 «Ҳада», «Чахоноро» ашула ва рақс ансамблининг таништирув-концерти.
 - 22.40 «Сўнгги ташриф». Телевизион бадий фильм (рус тилида).
- МТ I
- 6.00 «Тонг».
 - 8.30 «Николас Никльби». Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия.
 - 9.25 «Момақаймоқ». Мультфильм.
 - 9.45 А. Руссель. «Ўрмон ҳақида

Жума *

19 ИЮЛЬ

● УзТВ I

8.00 «Ахборот».

8.25 «Софлом бўлай десангиз». 8.35 Болалар учун фильм. «Шоҳ Султон ҳақида эртак» («Союз мультфильм»).

9.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бир келиб кетинг Кўргонтепга».

10.20 «Хокимият Шўроларда».

18.00 Янгиликлар.

18.10 «Қайсан жўжас». Мультфильм. 18.20 Болалар учун. «Жажжи қўшиқчилар».

19.00 «Халқаро ҳаёт».

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.50 «Ўзбекистон» телевизион киножурнали.

20.00 «Барҳаёт наволар», Узбекистон халқ ҳофизи Мамуржон Узоқов.

20.30 Москва. «Время».

21.10 Тижорат хабарлари.

21.15 «Барҳаёт наволар», Узбекистон халқ ҳофизи Мамуржон Узоқов (давоми).*

22.00 «Ахборот».

22.25 «Маҳорат». Дубляж устаси Мукамбар Раҳимова.

23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ



● УзТВ II

18.05 «Ложкин олтинларни қаерга яширади?». Телефильм.

18.35 «Ташаббус».

19.00 «Пульс». Хабарлар.

19.10 «02 тўлқинида».

19.20 Концерт.

19.50 «Бурда моден» Тошкентда.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».

21.10 «Андолеб». Музыкальный курсатув.

22.40 «Аэропортдаги ҳодиса». Бадий фильм. 1-серия.

● МТ I

6.00 «Тонг».

8.30 «Николас Никльби». Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 5 ва 6-сериялар.

10.15 Мультфильмы: «Фёдорнинг қайғуси», «Тарки одат амири маҳол», «Нега хўрознинг иштони калта?».

10.45 «...16 ёшгача ва ундан каталар».

● УзТВ II

9.00 «Табиат— ҳаёт чашмаси». Кинопрограмма.

9.40 Болалар учун концерт.

10.20 «Соҳибжамол Ойсулув ҳақида ривояти». Бадий фильм («Қозоқфильм»).

11.30 «Кичкитой» студияси кўрсатади. «Қувноқ учрашувлар».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

17.00 «Аэропортдаги ҳодиса». Бадий фильм. 2-серия.

18.20 «Болалар планетаси — дўстлар планетаси». Украиналик ва белоруссиялик болалар бининг меҳмонимиз.

19.00 «Новости».

19.20 Эстрада концерти.

20.00 «Ахбор».

20.20 «Ланди ниёғон».

20.30 Москва. «Время».

21.10 «Жаҳоннома». Бадий-публистик кўрсатув.

● МТ I

6.00 «Бағишлов». Телевизион ҳужжатли фильм.

6.15 Мультфильмы: «Кичкитой мalla», 1 ва 2-фильм. «Шуна-канги ҳодисаси...».

7.00 Ритмик гимнастика.

7.30 Тонгги дам олиш кўрсатув.

11.30 ТСН.

11.45 «Мэппет-шоу». Кўп серияли телевизион қўйирчоқ фильм-концерт. 7 ва 8-сериялар.

12.35 «Тушимга кўй кириди». Фильм-концерт (Киев).

14.30 ТСН.

14.45 «Қаердадир уруш борарди». Уч серияли телевизион бадий фильм. 3-серия.

16.00 «Юрмаладан... Сан-Ремогача». А. Билль куйлавди.

16.25 «Пиф-паф-ой-ой-ой». Мультфильм.

16.45 «Абадийлик нуқтаи назаридан қараганда...». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Свердловск).

18.00 ТСН.

18.15 «Нима учун филлар?». Мультфильм.

18.30 «Инсон ва қонун». Ҳукукий видеоканал.

19.15 Ленинград филармониясининг академик симфоник оркестри чалади. Дирижёр — Ю. Темирканов.

19.35 «Николас Никльби». Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 5-серия.

20.30 «Время».

21.10 «Николас Никльби». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 6-серия.

22.05 Долзарб репортаж.

22.20 «ВИД» танишиди: «Мўъжизалар майдони», «Музобоз», «Шоу-биржа», «Дело», «Эм-тиви», «Эльдорадо».

01.20 ТСН. Ҳалқаро воқеаларга бағишиланган сон.

01.40 «Николас Никльби». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 5 ва 6-сериялар.

● МТ II

7.00 Ишибалармон кишининг тонги. 8.00 Эрталабки бадантарбия машҳулари. 8.15 «Сени қараю», Тишк, Тишк. Мультфильм. 8.30 «Ҳонли сайёра». Үн иккি серияли ҳужжатли фильм (Буюк Британия). 7-серия. 9.25 «Қўшиқ плюс дўстлик». Болалар бадий жамоаларининг чиқиши. 10.00

«Компьютер билан мулоқот». 10.45 «Степан Эрзянинг уч орзузи».

13.30 Болалар учун фильм. «Елканлар», 2-серия. 14.35 «Червянка яинидаги хуторда». Телевизион ҳужжатли фильм (Иркутск). 15.00 А. С. Пушкин. «Белькин қиссалари». «Тобутсоз». Телеспектакль.

18.45 Н. Пейко. Квинтет-вариациялар. 19.00 Академик эшқазиши. «Хенлей регатаси». Англиядан кўрсатилади. 19.30 «Олимос кирраси». Телефильм. 19.45 Ҳайрли тун, кичкитойлар! 20.00 Жаҳон бозорининг калити. 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан). 21.10 Коллаж.

*

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ 21.15 «Бу оқшомда».

Шанба *

20 ИЮЛЬ

● УзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».

9.00 «Ахборот».

9.25 «Ҳар қалай эркаклармиз». Бадий фильм (А. Довженко номли киностудия).

10.35 «Футбол майдонларида».

11.05 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Рангинкамон».

11.45 «Изланиш». Илмий-оммабоп кўрсатув.

12.25 «Дала юмушлар».

12.55 Ўғун. «Парвона». Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг спектакли.

13.30 «Серхли самовар». Мультфильм.

18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошар».

19.00 Ўзбек тилини ўрганимиз.

19.45 «Ахборот» (рус тилида).

20.30 Эстрада концерти.

21.10 Москва. «Время».

21.10 Телевизион театр. Пирим-кул Қодиров. «Жон ширин».

22.00 «Ҳафтанома».

23.00 «Садоқат». Бадий фильм. 1-серия (Хиндистон).

00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

17.00 «Аэропортдаги ҳодиса». Бадий фильм. 2-серия.

18.20 «Болалар планетаси — дўстлар планетаси». Украиналик ва белоруссиялик болалар бининг меҳмонимиз.

19.00 «Новости».

19.20 Эстрада концерти.

20.00 «Ахбор».

20.20 «Ланди ниёғон».

20.30 Москва. «Время».

21.10 «Жаҳоннома». Бадий-публистик кўрсатув.

● МТ I

6.00 «Бағишлов». Телевизион ҳужжатли фильм.

6.15 Мультфильмы: «Кичкитой мalla», 1 ва 2-фильм. «Шуна-канги ҳодисаси...».

7.00 Ритмик гимнастика.

7.30 Тонгги дам олиш кўрсатув.

8.00 ТСН.

8.15 «Сиз яратган боғ».

8.45 «Авлодлар учун асраб қоламиз». Ҳалқ усталири ўюнмаси таниширилади.

8.55 «Ҳисоб бошланади».

9.25 «Бельгия — Европа чорраҳасидаги мамлакат».

10.25 «Тонг юлдузи».

11.25 «Бурда моден» таклиф этапи...».

11.55 «Образ». Юқори синф ўқувчилири учун адабий кўрсатув.

13.00 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Қизил бошмоқчалар». Телевизион бадий фильм («Укртелеком»).

14.30 ТСН.

14.45 «Русни бир дард бирлаштиради...».

15.55 «Рақсга бахшида умр». СССР ҳалқ артисти Н. Бессмертнова. Фильм-концерт.

17.00 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 7-серия.

17.25 «Ҳалқаро панорама».

18.10 Режиссёр Б. Шамшиев фильмлари. «Бўри уяси» («Қирғизфильм»).

20.30 «Время».

21.10 «Бахти тасодиф». Оиласий телевикторина.

22.10 «Ийлар оша табассум».

23.25 «Олимпийский» спорт ком-

плексида Олег Газманов концерти.

00.25 «Кузилярсиз ўйин». Телевизион бадий фильм. 1-серия (Литва киностудияси).

● МТ II

7.30 Эрталабки бадантарбия машҳулари. 7.45 «Айболит ва Бармолей». Мультфильм. 8.00 Москва вилояти Истра Маданият ўйининг духовой орк



• Футбол. Олий лига

«ПАХТАКОР»ДА АЗАМАТ ТОПИЛМАДИ

Утган куни СССР чемпионатида иккни учрашув ўтказилди. Шулардан бирини Тошкентда бўлди, унда пахтакорчилар Минскнинг «Динамо» клубини қабул қилидилар. Аввалин турда динамочилар Душанбеда «Помир»га 1:2 ҳисобида ютказиб қўйган эдилар. Улар ҳисобини очган бўлсалар да, Азамат Абдураимов кетма-кет икки тўғу киритиб майдон эгалари галабасини таъминлаган эди.

Тошкентдаги учрашувда ҳам динамочилар биринчи бўлиб ҳисобни очишиди. Унг қанотдан йўналтирилган тўпни Антонович боши билан дарвазага киритди. Бу лаҳзада «Пахтакор» раҳбарлари бир йўла уч ўйинчига «иккиси» баҳо қўйган бўлсалар ижаб эмас. Антоновичнинг ёнида турган Клочкиев ва Шарипов унга ҳалақит беришмади. Пересяковов эса тўпни нотўғри ташланди, натижада тўп оддин ерга тегиб сўнг дарвоза тўргига бориб тушиди.

Шунни айтиш керакки, «Пахтакор» бу тўпдан кейин рӯҳан тушмади. Футболчиларимиз ўйинчига кўп қисмиде меҳмонлар дарвозаси ёнида хавфли вазиятлар вужудга келтирдилар. Шквирин, Новиков, Пятницкий, Маъруфалиевлар доимо дарвазабон Курбикони таҳликага солиб турдилар. Бироқ биринчи бўлимда ҳисоб ўзгармади.

Иккинчи бўлим ҳам майдон эгаларининг шиддатли ҳужумлари билан

бошланди ва орадан 5 дақиқа ўтгач, улар меваффақиятта эришидилар. Новиков тегсан тўпни Курбико қайтарди. Бироқ Игорь Шквирин тўпга биринчи бўлиб етиб келди ва мавсумдаги 11-тўпни киритди. «Пахтакор» яна 25—30 дақиқа мобайнида ҳужумни бўшаштирмади. Бироқ иккинчи бўлим бошланниши билан ёра бошлиған ёмғир тўпни оғирлаштириб, майсанни сирланчиқ қилиб қўйди. Бу эса ҷарчаб қолган футболчиларимиз учун қўшимча нокулайлик турдиди.

Қисқа қилиб айтганда, шу куни «Пахтакор»га галабани таъминлашдиган азамат топилмади. Бунинг учун эса имконият етарли эди. Ҳозир очколар сони бўйича командамиз жадвалдаги қўшиларига тенглашиб олди. Бироқ навбатдаги икки ўйин сафарда ўтказилиб, команда учун ишодатда оғир кечиши мумкин. 23 июль куни пахтакорчилар ўтган йилги мамлакат чемпиони — Киев динамочилари билан куч синашинса, 30 июль куни «Помир»га дуч келишади.

Шу куни Москвада марказий ўйинлардан бирин ўтказилди. Унда пешқадамлар сафида бораётган пойтахт армиячилари ва «Спартак» клуби учрашиди. Ушбу командаларнинг биринчи даврадаги учрашувида МАСК футбольчилари мавсумда биринчи бор маглубият аламини тотиб кўрган эдилар.

ҲУКУМАТ ВАҚИЛЛАРИ МАЙДОНДА

Яқинда Украина пойтахти — Киевда ўтказилган футбол ўйини ўзининг гайриодатийлиги билан кўпчилик эътиборини жалб этди. Майдонда... республика парламенти ва вазирлар маҳкамаси командалари ўзаро куч синашдилар. Ўйинчилар орасида мундор депутатлар, кузга кўринган сиёсатчилар кўпчилик эди. Республика Олий Кенгаши командаси ўйинда мағлуб бўлганлигининг боиси

унинг аъзолари турли партялар, гурухлар, оқимлар вакилларидан иборат эканлигига эмас, деб ҳисоблашмоқда «ўйинчилар». Зоро улар ўйин мобайнида тез тил топиша олиши. Фақат толе вазирлар маҳкамаси вакилларига кулиб бўқди, холос.

Ишқибозларни эса ҳокимиёт намояндадарининг спортининг мазкур турига бу хилда муносабат билдиришлари кўпроқ хушнуд этди.

«УИНГОХ»ГА ХАТЛАР

МУХЛИСЛАР КЎП

ПОЙТАХТДАГИ 138-мактаб қошида «Каратэ» спорт секцияси ташкил қилинди. Ўз ўзини ишонтириш йўли билан қабул қилинадиган каратэ усуллари инсонларни жисмонан бақувват ва руҳан поясликка олиб боради. Шунинг учун бўлса керак, бу секцияга нафақат шу мактабнинг, балки қўши мактабларнинг ўқувчилари ҳам аъзо бўлиб кирдилар.

Бу ерга келганинга кўп бўлгани йўқ, лекин чи-нақамига ўтказилаётган машгулотларни кўриб борган сари қизиқишим ортиб бормоқда, — дейди 131-мактаб ўқувчиси А. Исмоилов. — Биргина спорт секциясига ноҳиядан кўплаб ўқувчи ёшлар келдётган экан, демак, бундан болаларнинг спорт машгулотларига чанъоқ эканликларини билиш мумкин. Қани энди ҳамма мактабларимизда ҳам ана шу чанъоқликларни қондиришга имконият яратилса.

Н. ҚУШОҚБОЕВА.

ҚИЗИҚИШ КАТТА-Ю...

Бекобод районидаги Навоийномли жамоа ҳўжалигида спорт ишқибозлари сафи кенгаймоқда. Утган йили қинслиқ спорчилари район мусобақаларида қатнашиб, тенинс ва шашка бўйича биринчи, шахмат ва миллий кураш бўйича учичи, футбол бўйича олтинчи ўринни эгаллаган эдилар. Ҳўжаликда спорта қизиқиши катта-ю, лекин одамлар шугулланишира учун спорт комплекси йўқ. Унинг қурилиши учун жой ҳам ажратилган эди. Бироқ негадир қурилиши ишлари бошланишидан дарак бўлмаяти.

Х. ОТАҚУЛОВ.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

Ташкент ҲАҚИҚАТӢ

(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома
Коммунистической партии
Узбекистана и областного
Совета народных депутатов
Издается на
узбекском языке
МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700000, ГСП, Ташкент,
Ленинград кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48,
32-53-54 хатлар ва оммавий
ишлар бўлими.

• Реклама ва эълонлар •

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

27 ИЮЛДАН БОШЛАБ
МАВСУМ ОЧИЛАДИ

СОВЕТ ЦИРКИННИГ ЕТАКЧИ УСТАЛАРИ
ИШТИРОКИДА
2 БУЛИМДАН ИБОРАТ
КАТТА РАНГ-БАРАНГ ДАСТУР

Цирк санъатининг барча жаҳрлари намойини қилинади.

ТОМОШАЛАР:

27 июлда соат 13.00 да (билетлар сотилган),

28 июлда соат 12.00 ва 15.00 да бошланади.

Сўнгра томошалар оддий иш кунларида соат 19.00 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.00 да, якшанба кунлари соат 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.

Олдиндан чипталар сотиш йўлга қўйилган.

Касса соат 9.00 даан 19.00 гача ишлайди.

ЦИРК ФОЙЕСИДА ШОШИЛНЧ СУРАТКАШЛИК
САЛОНИ ИШЛАБ ТУРИБДИ.

Маълумотлар олиш учун телефоналар: 44-35-91,

44-29-04.

Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Ташкент шаҳри.